

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI COГЛИҚНИ САҚЛАШ VAЗИPЛИГИ
TOШKENT ФAPMAЦEВТИКА ИНСТИТУТИ



1937-2017



ФАРМАЦИЯ: ФАН, ТАЪЛИМ,
ИННОВАЦИЯ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ”
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
АНЖУМАНИ (ХАЛҚАРО ИШТИРОКДА)
МАТЕРИАЛЛАРИ



МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ
«ФАРМАЦИЯ: НАУКА, ОБРАЗОВАНИЕ,
ИННОВАЦИИ И ПРОИЗВОДСТВО»
(С МЕЖДУНАРОДНЫМ УЧАСТИЕМ)

Ташкент 2017

Генеральные спонсоры:



NIK PHARM

Спонсоры конференции:

ООО «INTEGRA DD»



NOBEL
PHARMASANOAT

JURABEK
Laboratories Ltd

NS NAVBAHOR



Lafz

QURAMAX



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“ФАРМАЦИЯ: ФАН, ТАЪЛИМ, ИННОВАЦИЯ ВА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ” РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ
(ХАЛҚАРО ИШТИРОКДА) МАТЕРИАЛЛАРИ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ НАУЧНО
ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ «ФАРМАЦИЯ: НАУКА,
ОБРАЗОВАНИЕ, ИННОВАЦИИ И ПРОИЗВОДСТВО»
(С МЕЖДУНАРОДНЫМ УЧАСТИЕМ)**

**ТОШКЕНТ
2017**

2) ота-оналар мутолаа маданиятининг тарбиявий имкониятидан самарали фойдаланишлари зарур. Боланинг ёш хусусияти ва психологик ҳолатини ўрганиб, унга таъсир кўрсатишнинг самарали механизмларини аниқлаб бориши муҳим;

3) ота-оналар ўқувчиларга тақдим этилаётган китобларнинг мазмуни ҳақида тўлиқ маълумотга эга, ҳозиржавоб бўлиши ҳамда уларнинг мустақиллигини қўллаб-қувватлаши лозим;

4) оилада болаларда мутолаа маданиятини шакллантиришда ота-оналар миллий тажриба – “қироатхонлик кечалари”ни ташкил этиши ва шу асосида боланинг ўртоқларини ҳам китоб ўқишга қизиқтириши мумкин;

5) болаларда мутолаа кўникмаларини шакллантиришда оила даврасида адабий ўйин ва викториналарни ташкил этиш, яъни мусобақаланиш элементларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар

1.Эргашев П., Муҳаммадиев Б. Чўнтакдаги хикматлар-2. – Т.: “DAVR-PRESS” НМУ, 2016.

2.Умаров А. Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тараққиёт. – Т.: Фан, 2004.

Байдуллаев А.С., Мирбабаев Ф.А., Самигова Н.Х.

«MOODLE» ЎҚИТИШ ТИЗИМИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ ФАРМАЦЕВТИКАДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРНЕТ-ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

E-mail: baidullaev_a@mail.ru, fd-6072@mail.ru

Ишнинг мақсади: Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ёшларни юксак ахлоқли, маънавиятли ва маърифатли, меҳнатга виждонан муносабатда бўлишга, жамият ва оиласи олдида ўз маъсулиятини чуқур англаб етувчи, рақобатбардош, малакали мутахассис қилиб тайёрлаш ва тарбиялаш вазибаларни ҳал этиш учун таълим технологияларидан кенг фойдаланиш, таълимни оптимallasштириш, инсонпарварлаштириш ва инновацион методлар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш долзарб ҳисобланади.

Материаллар ва методлар: Ҳозирги кунда талабалар тез, кўп, ишонarli маълумотларга эга бўлишлари ва ўзлари мустақил билим олишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Шулар жумласидан, электрон мажмуалар талабалар учун фанга оид бўлган муҳим маълумотларни инсталланган масофадан ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланишлари мумкин.

Очиқ кодли «Moodle» дастурий комплекси Интернет тармоғидан фойдаланиб, таълим жараёнини бошқариш учун махсус яратилган (Learning management system – LMS) тизимдир.

Тизимда ишлаш учун, MySQL МББТ ҳаракатини қўллайдиган ва PHP препроцессорли ҳар қандай платформада ишлаш қобилиятига эга бўлган сервер зарурдир.

Тизимни жойлаштириш (Сервер конфигурацияси ва дастурий таъминотни қўшган ҳолда) бир неча кунни олади ва сўнг шахсий таълим структурасини таркиб топтириш мумкин. Moodle тизимида ҳар қандай таълим функцияларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратилган, хусусан:

- таълим олувчига ҳар қандай кўринишда (текст, файл ва ҳк..) жавобларни жўнатиш имконини берувчи топшириқлар;

- бошқаришнинг кенг имкониятларини кўриб чиқиш учун форумлар;

- чатлар;

- GIFT и HotPot форматларини ўз ичига олган, тестларни тайёрлашнинг ҳар қандай тизимидаги топшириқларни қабул қилиш имконинини берувчи тест тизимлари;

- ўқув курсларини бошқариш тизими (мавулар сони, структураси, календарь график ва б.)

- йил давомида ҳамма категориядаги фойдаланувчиларнинг логинларини сақлаб, ҳаракатларни ҳисобга олиш тизими;